

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.09.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАХКАМОВ ҒУЛОМЖОН УСМОНЖОНОВИЧ

**МЕХАНИК ЭКИШ АППАРАТИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ПИЁЗ УРУҒИНИ ЭКИШ
СИФАТИНИ ОШИРИШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Махкамов Гуломжон Усмонжонович

Механик экиш аппарати конструкциясини такомиллаштириш орқали
пиёз уруғини экиш сифатини ошириш 3

Махкамов Гуломжон Усмонжонович

Повышение качества посева семян лука за счет усовершенствования
конструкции механического высевающего аппарата..... 23

Махкамов Гуломжон Усмонжонович

Improving the sowing quality of onion seeds by improving the design of
the mechanical sowing device..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.09.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАХКАМОВ ҒУЛОМЖОН УСМОНЖОНОВИЧ

**МЕХАНИК ЭКИШ АППАРАТИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ПИЁЗ УРУҒИНИ ЭКИШ
СИФАТИНИ ОШИРИШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1994 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nammqi_info@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турдалиев Воҳиджон Махсудович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тожиев Расулжон Жумабоевич
техника фанлари доктори, профессор
Худояров Анвар Назиржонович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160103 Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nammqi_info@edu.uz.)

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103 Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nammqi_info@edu.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси).

Н.Ғ.Байбобоев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Д.А.Абдувахобов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д. (PhD), доцент

А.Х.Умурзақов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пиёз уруғларини экиш ва етиштириш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 92,1 миллион тонна пиёз етиштирилаётганлиги ва пиёз етиштириш ҳажми ҳар йили 2-3 фоизга ошиб боришини ҳисобга олсак»¹, пиёз уруғларини экишда иш сифати юқори ҳамда ресурсларни тежайдиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пиёз уруғларини экишда уруғ сарфини белгиланган меъёрларда бўлишини таъминлаш ва сифатли пиёз етиштиришда уруғларни доналаб экиш аниқлиги юқори бўлган экиш аппаратларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда пиёз уруғларини доналаб, белгиланган меъёрларда уларни шикастламасдан экиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, пиёз уруғининг технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, экиш жараёнларини оптималлаштириш, механик экиш аппаратларинининг конструкцияларини такомиллаштириш, агротехник тадбирлардаги меҳнат сарфини камайтиришни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда пиёз етиштиришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, экишда уруғ сарфини камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... 2017–2020 йиллар учун мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш», «... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд қўпайтириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, энергия ва ресурсларни тежаш билан бирга пиёз уруғларини доналаб, белгиланган меъёрларда экишни амалга оширадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий

¹ . <https://epauzb.uz/post/analiticheskiy-obzor-mirovoy-torgovli-na-rynke-luka?lang=ru>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 15 октябрдаги ПҚ-4863-сон «Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзаёт маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уруғларнинг технологик хусусиятлари, доналаб экиш жараёнининг моҳиятини очиқ бериш, экиш аппаратларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда Н.Charles, M.Donald (АҚШ), J.Brunotte, E.Peschel (Германия), F.Zhichao, D.Taotao, Z.Siqi (Япония), В.В.Василенко, С.В.Василенко, В.М.Слугинов, М.Г.Желтунов (Россия), С.Н.Зыкович (Беларусия) шуғулланишган. Экиш аниқлигига таъсир этувчи омилларни экиш аппаратларининг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва уларни қўллаш бўйича E.Tanasie, R.L.Parish, G.Thalmann, С.И.Соченев, С.Д.Загудаев, А.Б.Чапаев, В.А.Прохоров ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Пиез уруғларини экиш аппаратларининг конструкцияларини яратиш ва уларнинг турли ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар А.Р.Everaarts, Н. Putter, М.С.Бойченко, П.А.Авдеев, В.А.Белодедов, С.Д.Полонецкий, Н.П.Ларюшин ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада майда уруғли сабзаёт экинлари уруғларини экиш аппаратларининг конструкцияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар А.Тўхтақўзиев, Ж.Мухамедов, В.Турдалиев, А.Қораханов, А.Ибрагимов, А.Е.Толыбаев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган экиш аппаратлари ва машиналари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо пиез уруғларини қаторларда доналаб, белгиланган меъёрларда уларни шикастламасдан экадиган ресурстежамкор механик экиш аппаратини ишлаб чиқиш ва ишчи қисмлари параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № А-9-006 «Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш ҳамда майда уруғли экинларни экиш технологиясини ишлаб чиқиш ва комбинациялашган агрегатни яратиш» мавзусидаги амалий ва

№ МВ-Итех-2018-30 «Тупроққа экиш олдидан ишлов берувчи ҳамда майда уруғли экинларни экувчи комбинациялашган агрегатини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш» мавзусидаги инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади механик экиш аппарати конструкциясини уруғларни доналаб ҳамда белгиланган меъёрларда экишга мўлжаллаб такомиллаштириш орқали пиёз уруғини экиш сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сабзаёт экинлари уруғларини экиш аппаратлари, машиналари конструкцияларини ва экиш усулларига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

пиёз уруғини қаторларда доналаб экадиган механик экиш аппаратининг конструкциясини ишлаб чиқиш;

механик экиш аппарати уячали дискининг геометрик ўлчамларини тадқиқ этиш ҳамда параметрларини асослаш;

уячали диски механик экиш аппарати билан жиҳозланган пиёз экиш машинасининг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмларини параметрлари ва иш режимларини тажрибавий тадқиқ этиш;

ишлаб чиқилган пиёз уруғини экиш машинасининг синовларини ўтказиш ва унинг иқтисодий самарасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида доналаб экиладиган пиёз уруғи, уячали диски механик экиш аппарати ишчи органларининг параметрлари, ҳаракат режимлари, технологик иш жараёнлари ва уни амалга оширадиган экиш аппарати олинган.

Тадқиқотнинг предмети пиёз уруғини доналаб экиш жараёнини ифодалайдиган аналитик боғланишлар ва математик моделлар, механик экиш аппаратининг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муҳандислик графикасининг геометрик яшаш усулларида механик экиш аппаратининг уячали дискининг геометрик параметрларини асослашда, эҳтимоллар назарияси қонуниятларидан пиёз уруғини уячали диск уячасида жойлашиш эҳтимолини аниқлашда, жисмларнинг зарбавий таъсири усулларида пиёз уруғини тупроқ билан ўзаро таъсирини тадқиқ этишда, машина ва механизмларнинг кинематика қонуниятларидан экиш аппарати ишчи қисмларининг ҳаракат режимларини асослашда, математик статистиканинг статистик таҳлил усулларида тажриба натижаларини таҳлил этишда ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пиёз уруғини қаторларда доналаб экадиган уячали диск ва қайтаргич роликда ташкил топган механик экиш аппаратининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

механик экиш аппаратининг уячали дискида пиёз уруғини жойлашиши унинг геометрик ўлчамлари ва оғирлик марказини инобатга олган ҳолда аниқланган;

пиёз уруғларининг экиш аппарати уячали дискидан чиқиб тупроққа тушиши ва тушган уруғларни ўз ўрнида қолиш жараёнларининг моҳияти очиб берилган ҳамда механик экиш аппаратининг ўрнатилиш баландлиги асосланган;

пиёз уруғини доналаб белгиланган меъёрларда экишни таъминлаш учун механик экиш аппаратининг уячали дискини айланишлар сони унинг геометрик ва кинематик параметрларига боғлиқ равишда аниқланган;

механик экиш аппарати ишчи қисмларининг мақбул параметрлари пиёз уруғларини бир хил ораликда юқори аниқликда экиш шартидан келиб чиқиб аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пиёз уруғини белгиланган агротехник талаблар асосида қаторларда доналаб экадиган уячали дискли ресурстежамкор экиш аппарати ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган уячали дискли механик экиш аппарати билан жиҳозланган экиш машинаси қўлланилганда уруғ сарфини 40-45 фоизга ва меҳнат сарфини 1,5 мартага камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишлар замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, пиёз уруғини доналаб экиш аппарати синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экин майдонларига пиёз уруғини экишда уруғларни пуштанинг бутун профили бўйича тенг тақсимлаб, агротехник талаблар даражасида доналаб экишни амалга оширадиган экиш аппаратининг технологик иш жараёни, конструктив ва технологик параметрларини аниқлаш имконини берадиган механик-математик моделлар ва аналитик боғланишлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда улардан бошқа шунга ўхшаш курилмалар ишчи қисмларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиздаги фермер ва деҳқон хўжаликларида пиёз уруғини доналаб экиш ҳисобига уруғ сарфини 40-45 фоизга камайиши, ортиқча ниҳолларни яганалашга сарфланадиган қўшимча қўл меҳнатига барҳам берилиши, эксплуатацион ва умумий харажатларни камайиши ҳамда экиш сифатини оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Механик экиш аппаратини такомиллаштириш орқали пиёз уруғини экиш сифатини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

механик экиш аппарати билан жиҳозланган пиёз экиш машинасига дастлабки талаблар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 02/023–259–сон маълумотномаси). Натижада, ортиқча ниҳолларни яганалашга сарфланадиган қўшимча қўл меҳнатига барҳам бериш ҳисобига меҳнат сарфи 1,5 марта кам, ресурстежамкор пиёз экиш машинасини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

механик экиш аппарати билан жиҳозланган пиёз экиш машинаси Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларидаги фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 02/023–259–сон маълумотномаси). Натижада, пиёз экиш машинаси қўлланганда мавжуд механик экиш машиналарига нисбатан уруғ сарфини 40-45 фоизга камайишига эришилган;

механик экиш аппарати билан жиҳозланган пиёз экиш машинасини ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ) «ВМКВ-Агромаш» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 02/023–259–сон маълумотномаси). Натижада, пиёз уруғини доналаб экиш учун эксплуатацион ҳаражатлари 36,5 фоизга кам, уруғларни белгиланган меъёрларда шикастламасдан экадиган машинани саноат усулида ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва ҳолати**» деб номланган биринчи бобида сабзаёт экинлари уруғларини экиш усуллари ва схемалари,

сабзаёт экинлари уруғларини экиш агрегатларининг конструкциялари ва механик экиш аппаратларига доир адабиётлар таҳлили, уруғларнинг технологик хусусиятлари ҳамда доналаб экишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича аввал бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили келтирилган.

Таҳлиллар асосида қуйидагиларни таъкидлаш лозимки, пиёз уруғини экиш учун, экиш майдонини тўғри танлаш ва дала юзаси бўйлаб уларнинг тенг тақсимланишини таъминлаш ниҳолларнинг униб чиқиши ва ривожланишини яхшилайти. Экиш машиналарида экиш аппарати асосий ишчи қисмлардан ҳисобланиб, у уруғларнинг озикланиш майдони бўйича тенг тақсимланишини таъминлаши керак. Шунинг учун экиш аппаратларини модернизация қилиш ва уларнинг янги конструкцияларини яратиш ҳамда тадқиқ этиш муҳимдир. Пиёз уруғини экишда, белгиланган агротехник талаблар асосида ресурстежамкор усуллардан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб, бунга эришиш учун уруғларни доналаб экиш лозимдир.


Диссертациянинг «**Экиш аппаратининг параметрларининг назарий тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида экиш аппарати конструкциясини ишлаб чиқиш, экиш аппаратининг уячали дискини геометрик ясаш ва параметрларини аниқлаш, пиёз уруғининг экиш аппарати уячасига жойлашишини назарий асослаш, пиёз уруғини экиш аппаратидан тупроқ тушишидаги ва тупроқ билан ўзаро таъсирлашишидаги ҳаракатини тадқиқ этиш ҳамда экиш аппаратининг кинематик параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Адабиётлар таҳлили ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларига биноан пиёз уруғини доналаб экадиган экиш аппаратининг конструкцияси ишлаб чиқилди (1-расм).


Тавсия этилаётган уячали дискли пиёз уруғини доналаб экиш аппарати қуйидагилардан иборат. Уруғ қутиси 1 ва унинг тубига ўрнатилган цилиндрсимон диск 2, ортиқча уруғларни қайтарувчи ролик 3 дан иборат (1-расм). Бунда цилиндрсимон диск 2, икки четки текис сиртли цилиндрсимон дисклар 4 ва 5 ҳамда уруғлар учун уячалари мавжуд бўлган цилиндрсимон уячали диск 6 дан ташкил топган, ортиқча уруғларни қайтарувчи ролик 3 нинг устки қисмига эса резинали втулка 7 қопланган (2-расм). Уячали диск 6 нинг уяча 8 лари тиш шаклида бўлиб, тишларнинг бир томон 9 профили эволвента, иккинчи томон профили 10 эса α бурчак остидаги текис сирт (3-расм) шаклига эга.

Уячали дискнинг геометрик параметрларини асослашда геометрик ясаш усулларидан фойдаланилди. Бунда биринчи навбатда O марказдан ихтиёрий R радиус бўйича айлана чизилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ғалтакли экиш аппаратининг ғалтагида 12 та уруғ уячалари мавжуд экан. Шу сабабли, уячали дискни лойихалашда айлана тенг 12 га бўлинди. Айланаларга ички чизилган мунтазам кўпбурчак чизиш усулларидан фойдаланиб, айланага мунтазам учбурчаклар чизиш орқали мунтазам ўн икки бурчак ҳосил қилинди. Уруғлар учун уяча ҳосил қилишда 4-расмдаги


мунтазам ўн икки бурчакдаги ABC учбурчакка пиёз уруғининг энг катта геометрик ўлчамидан келиб чикиб r_1 радиусли ички айлана чизилди.



1-расм. Экиш аппаратининг умумий кўриниши




2-расм. Цилиндрсимон диск ва ортиқча уруғларни қайтарувчи роликнинг А-А кўриниши




3-расм. Уячанинг катталашган В кўриниши

Уруғларни шикастланмасдан, қисилиб қолмасдан ҳамда думалаб ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида уяча профилини ёйсимон кўринишда ясаш учун O_2 марказдан r_2 радиусли айлана чизилди. Бу r_2 радиусли айлана r_1 радиусли айлана билан I нуктада, R радиусли айлана билан эса B нуктада уриниб туташма ҳосил қилади (4-расм).


Пиёз уруғининг экиш майдонига уячалардан осон тушиши учун уячанинг бир томон профили марказий ўқ билан α бурчак ҳосил қиладиган тўғри чизикдан иборат. Бу тўғри чизик r_1 радиусли айлана билан J нуктада уринади (5-расм). Юқорида кўрсатиб ўтилган амалларни кетма-кетликда такрорлаб, лойиҳаланаётган уячали дискнинг кўриниши ҳосил қилинди (6-расм).



4-расм. Туташма ҳосил қилиш



5-расм. Уруғ уячасининг бошланғич кўриниши



6-расм. Уячали дискнинг умумий кўриниши

Уячали дискнинг ташқи диаметрини аниқлаш учун цилиндрсимон тўғри тишли ғилдиракнинг хусусий ҳоли деб қараб, унинг диаметрини куйидагича ифодалаймиз


$$D = \frac{zp}{\pi}, \quad (1)$$

бунда z – тишлар сони, дона; p – тиш қадами, м.

Уяча қадами p ни 7-расмга кўра аниқлаймиз. Бунда уруғни айлана деб қарайдиган бўлсак, тенг ёнли тўғри бурчакли учбурчакка ички чизилган айлана диаметри орқали учбурчакнинг BC томонини аниқлаш ёрдамида топамиз. Чунки, учбурчакнинг BC томони уяча қадами p га тенг.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 7-расмга кўра уяча қадамини қуйидагича ифодалаймиз

$$BC = p = \frac{\sqrt{2}D_y}{2 - \sqrt{2}}. \quad (2)$$



7-расм. Уяча қадамини аниқлашга оид чизма

(1) ва (2) ифодаларни инобатга олиб уячали дискнинг ташқи диаметри D_d ни қуйидаги ифода орқали аниқлаб оламиз

$$D_d = \frac{\sqrt{2}D_y z}{(2 - \sqrt{2})\pi}. \quad (3)$$

Уячанинг геометрик ўлчамларини аниқлашда, катта ўлчамли бир дона пиёз уруғини жойлашиши ёки кичик ўлчамли икки дона пиёз уруғини жойлаша олмаслигини инобатга олсак, у ҳолда

$$2D_{кич\ у} > D_y = D_{кат\ у}, \quad (4)$$

$$2D_{кич\ у} > H = D_{кат\ у} + o_T, \quad (5)$$


бунда $D_{кич\ у}$ – кичик ўлчамли уруғ диаметри, мм; $D_{кат\ у}$ – катта ўлчамли уруғ, диаметри, мм; D_y – уруғ уячасининг диаметри, мм; o_T – уруғ билан диск девори орасидаги тирқиш, мм; H – уяча чуқурлиги, мм.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, уруғларнинг тупроқда тенг тақсимланишига асосан қуйидаги омиллар таъсир этар экан, яъни: экиш аппарати билан уруғларнинг сифатли тақсимоми; уруғларнинг экиш аппарати тирқишидан тупроққа тушиш вақти ва учини траекториясининг бир хиллиги; уруғларни тупроқ билан ўзаро таъсирлашиши натижасида қайта тақсимланиши.

Уячали экиш аппарати билан уруғларнинг сифатли тақсимооти ҳамда экиш сифати диск уячаларига уруғларнинг нечтадан тушиш эҳтимоллигига боғлиқдир. Адабиётларда уруғларнинг диск уячаларига тушиши тасодифий ходиса деб қаралади. Шу сабабли пиёз уруғининг диск уячаларига неча донадан тушиш эҳтимоллигини тадқиқ этамиз.

Экиш аппаратининг уячали диски уячаларига нечтадан уруғ тушиши ва жойлашиши уруғларнинг шаклига боғлиқдир. Шартли равишда пиёз уруғи шаклининг асоси тенг ёнли ABC учбурчакдан иборат бўлган $ABCD$ пирамида бўлади деб қабул қилиб оламиз. Бунда, $AC=a$, $AB=BC=b$, M_0 асоснинг оғирлик маркази бўлсин (меданалари кесишиш нуқтаси). Қулайлик бўлиши учун AC томон x ўқида ётади ва унинг марказида B_1 нуқта бўлсин. B_1 нуқтани координата боши деб олиб, B_1B нурга y ўқини мусбат йўналишини мос қўямиз (8-расм). Бунда, A , B ва C нуқталарнинг координаталари қуйидагича бўлади

$$A\left(-\frac{a}{2}; 0; 0\right); B\left(0; \sqrt{b^2 - \frac{a^2}{4}}; 0\right); C\left(\frac{a}{2}; 0; 0\right)$$



8-расм. Пиёз уруғининг шартли қабул қилинган шакли

бунда a – пиёз уруғининг эни, мм; b – пиёз уруғининг узунлиги, мм; h – пиёз уруғининг баландлиги, мм.

Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида қуйидаги якуний тенгламалар системасини ҳосил қиламиз

$$\begin{cases} P_1(ABC) = \frac{3E}{h} \\ P_2(ACD) = \frac{4\sqrt{36h^2 + 4b^2 - a^2}}{3h\sqrt{4b^2 - a^2}} E \\ P_3(ABD) = P_4(BCD) = \frac{4\sqrt{36h^2b^2 + 4a^2b^2 - a^4}}{3ah\sqrt{4b^2 - a^2}} E \end{cases} \quad (6)$$

Бунда ифодалар устида ўтказиладиган амалларни соддалаштириш мақсадида қуйидаги белгилаш киритилган, яъни

$$E = \frac{3ah\sqrt{4b^2 - a^2}}{3a\sqrt{4b^2 - a^2} + 4a\sqrt{36h^2 + 4b^2 - a^2} + 8\sqrt{36h^2b^2 + 4a^2b^2 - a^4}}. \quad (7)$$

Пиёз уруғининг қайси томони билан тушиш эҳтимоллигини аниқлаш учун (6) тенгламалар системасининг сонли ечими пиёз уруғининг қуйидаги ўлчамларида амалга оширилди: $a=1,69$, мм; $b=3,54$, мм; $h=2,17$, мм. Сонли ечим натижаларига кўра, пиёз уруғининг катта юзали томони билан тушиш эҳтимоллиги 65 фоизни ўртача юзали томони билан тушиши 18 фоизни ва кичик юзали томони билан тушиш эҳтимоллиги эса 17 фоизни ташкил этар экан.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, уруғларнинг экиш аппарати тирқишидан чиқиб тупроққа тушиши назарий тадқиқ этилди. Бунда, пиёз уруғи экиш аппарати тирқишидан чиққан вақтида V_{0x} бошланғич тезликка эга бўлади. Чунки, экиш агрегати маълум тезлик билан ҳаракатланиб уруғларни экиб кетади.

Пиёз уруғининг ҳаракатини қуйидагича тадқиқ этамиз (9-расм).

Ҳавонинг қаршилигини инобатга олган ҳолда, пиёз уруғининг ҳаракат қонунини 9-расмга кўра қуйидагича ёзамиз

$$m\ddot{x} = -R_x, \quad (8)$$

$$m\ddot{y} = G - R_x, \quad (9)$$

бунда m – пиёз уруғининг массаси, кг; $R_x = \frac{1}{2}\mu\zeta S V_x^2$ – ҳавонинг қаршилиқ кучи, Н; $G = mg$ – оғирлик кучи, Н; m – пиёз уруғининг массаси, кг; g – эркин тушиш тезланиши, м/с². μ – уруғ шаклини инобатга олувчи қаршилиқ коэффиценти; ζ – ҳавонинг зичлиги, кг/м³; S – пиёз уруғининг мидел юзи, м²; V_x – пиёз уруғининг тезлиги, м/с.

(8) ва (9) ифодалар бўйича ўтказилган амаллар натижасида қуйидагига эга бўламиз

$$x = \frac{2m}{\mu\zeta S} \ln\left(\frac{\mu\zeta S V_{x0} t}{2m} + 1\right), \quad (10)$$

$$y = \frac{2m}{\mu\zeta S} \ln \operatorname{ch}\left(\sqrt{\frac{\mu\zeta S g}{2m}} t\right). \quad (11)$$

Пиёз уруғининг x ва y ўқлар бўйича кўчишларини аниқлаш учун (10) ва (11) ифодаларнинг сонли ечимларини «Microsoft Excel» дастурида амалга оширамиз. Сонли ечимлар параметрларнинг қуйидаги қийматларида амалга

оширилди: $m=0,0035$ кг; $V_{0x}=(1,4; 2,1; 2,8)$ м/с; $\mu=0,25$ (ҳаво ҳарорати $10-15^{\circ}\text{C}$ бўлганда); $\zeta=1,25$ кг/м³; $S=0,0006$ м²; $g=9,8$ м/с²; $t\in[0;0,21]$ с.



(10) ва (11) ифодаларнинг сонли ечимлари асосида пиёз уруғининг ҳаракат траекториясини ифодаловчи график олинди (10-расм).

Графикнинг таҳлилидан айтиш мумкинки, пиёз уруғининг бошланғич тезлиги 1,4 м/с ва учиб вақти 0,21 с бўлганда x ўқи бўйича қўчиши 2,1 см, бошланғич тезлик 2,8 м/с бўлганда эса 6 см га тенг бўлар экан.

Пиёз уруғи экиш аппаратининг уячали диски уячасидан чиқиб, тупроққа тушгунига қадар бирор бир тезлик билан ҳаракат қилади. Бунда пиёз уруғини тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнидаги тезлиги V ни 11-расмдаги схемага кўра тадқиқ этамиз.

11-расмга кўра пиёз уруғининг тушиш тезлиги V ни қуйидагича ифодалаймиз

$$V = \sqrt{V_x^2 + V_y^2}. \quad (12)$$



1- $V_{0x}=1,4$ м/с; 2- $V_{0x}=2,1$ м/с; 3- $V_{0x}=2,8$ м/с

9-расм. Пиёз уруғини экиш аппаратидан чиқиб тупроққа тушишини тадқиқ этишга оид схема

10-расм. Экиш аппаратидан тушаётган уруғнинг траекторияси


(10) ва (11) ифодаларни инобатга олган ҳолда (12) ифодани қуйидагича ёзамиз

$$V = \sqrt{\frac{4(mV_{0x})^2}{(\mu\xi SV_{0x}t)^2 + 4m\mu\xi SV_{0x}t + 4m^2} + \frac{2mg}{\mu\xi S} \operatorname{th}\left(\sqrt{\frac{\mu\xi Sg}{2m}}t\right)}. \quad (13)$$


Пиёз уруғини тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини 12-расмда келтирилган схема асосида кўриб чиқамиз. Зарба назариясига кўра, тикланиш коэффициентини қуйидагича ифодалаймиз

$$k = \frac{u}{V} = \sqrt{\frac{h_2}{h_1}}, \quad (14)$$

бунда h_1 – пиёз уруғининг тушиш баландлиги, м; h_2 – пиёз уруғининг тупроқ билан ўзаро таъсиридан кейин сакраш баландлиги, м.



11-расм. Пиёз уруғининг тупроққа тушишдаги тезлигини тадқиқ этишга оид схема



12-расм. Пиёз уруғининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини тадқиқ этишга оид схема

Экиш аппаратининг ўрнатилиш баландлигини h_1 деб қабул қилиб, (14) ифодадан h_1 ни аниқлаймиз

$$h_1 = \frac{h_2}{k^2}. \quad (15)$$

Пиёз уруғини экиш чуқурлигининг 1,5-2 см оралиғида бўлиши инобатга олинса, уруғларнинг очилган уячадан чиқиб кетмаслиги учун зарбадан кейинги кўтарилиш (сакраш) баландлигини $h_2=1,5$ см ошмаслик шартини киритиб ҳамда тикланиш коэффицентини $k=0,44\pm 0,11$ деб қабул қилиб, (15) ифоданинг сонли ечимини амалга оширамыз. (15) ифоданинг сонли ечими асосида пиёз уруғининг тикланиш коэффицентини экиш аппаратининг ўрнатилиш баландлигига боғлиқлик графиги қурилди (13-расм). Графикка кўра, айтиш мумкинки уруғлар уячада қолиши учун экиш аппаратини кўпи билан 17 см баландликда ўрнатиш лозим экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пиёз уруғи билан тупроқнинг таъсирлашиш жараёнини кўриб чиқамиз. Зарба пайтидаги ҳаракат миқдорининг ўзгаришини вектор кўриниши қуйидагича

$$m(\bar{u} - \bar{V}) = \bar{S}, \quad (16)$$

бунда u – пиёз уруғининг зарбадан кейинги тезлиги, м/с; V – пиёз уруғининг зарбагача тезлиги, м/с.


12-расмдаги схемага кўра (16) тенгламанинг координата ўқларидаги проекциясини ёзамиз

$$\begin{cases} m(u \sin \beta - V \sin \alpha) = -S_\tau \\ m(u \cos \beta + V \cos \alpha) = S_n \end{cases}. \quad (17)$$

(17) тенгламалар системаси устида бажарилган амаллар натижасига кўра қуйидагиларни ҳосил қиламыз


$$\beta = \text{arcctg} \left(\frac{k \cos \alpha}{(\sin \alpha - f_d (k + 1) \cos \alpha)} \right), \quad (18)$$

$$\alpha = \text{arctg} \left(\frac{2mv_{x0} \sqrt{\mu \zeta S}}{\sqrt{2mgh} \left(\sqrt{\frac{\mu \zeta S g}{2m}} t \right) [\mu \zeta S v_{x0} t + 2m]} \right). \quad (19)$$



13-расм. Пиёз уруғи тикланиш коэффициентини экиш аппаратининг ўрнатилиш баландлигига боғлиқлик графиги

α бурчакнинг пиёз уруғининг тушиш вақтига боғлиқ равишда ўзгаришини ўрганиш мақсадида (19) ифоданинг сонли ечими амалга оширилди ва 14-расмда келтирилган боғлиқлик графиги қурилди. Графикдан кўринадикки α бурчакни ўзгариш оралиғи экиш агрегати тезлигининг ортиши билан ортиб борар экан.



$$V_a=1,4 \text{ м/с}; V_a=1,8 \text{ м/с}; V_a=2,1 \text{ м/с}$$


14-расм. Пиёз уруғининг тупроққа тушиш бурчагининг вақтга боғлиқлик графиги

Агар экиш аппарати юқорида таъкидланганидек, тупроқдан 17 см баландликка ўрнатилса, пиёз уруғининг тупроққа тушиш бурчаги α экиш агрегатининг тезлигига боғлиқ ҳолда қуйидагича бўлар экан, яъни $V_a=5$

км/соат бўлганда 52° , $V_a=6,5$ км/соат бўлганда 45° , $V_a=7,5$ км/соат бўлганда эса 34° .

Юқоридагиларни инобатга олиб, пиёз уруғининг қайтиш бурчаги β ни (18) ифода орқали аниқлаймиз. Бунда зарбадаги ишқаланиш коэффиценти $f_d=0,4$ ва тикланиш коэффицентини $k=0,5$ деб қабул қилиб оламиз. (18) ифоданинг сонли ечими асосида қуйидагиларни аниқлаймиз, яъни $\alpha=50^\circ$ бўлганда $\beta=53,6^\circ$, $\alpha=45^\circ$ бўлганда $\beta=38,6^\circ$ ва $\alpha=34^\circ$ бўлганда $\beta=8,4^\circ$. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пиёз уруғининг тушиш бурчаги $51^\circ-89^\circ$ оралиғида бўлганда, қайтиш бурчаги тушиш бурчагидан катта бўлар экан.

Механик экиш аппаратларида ишчи қисмларга ҳаракат, одатда таянч ғилдираклари орқали узатилади. Тавсия этилаётган экиш аппаратининг уячали диски ва қайтаргич роликка ҳам ҳаракат таянч ғилдиракдан занжирли узатма ёрдамида узатилади. Ушбу экиш аппарати узатиш механизмининг кинематик схемаси 15-расмда келтирилган.



1-таянч ғилдирак; 2, 5-занжирли узатма; 3- уячали диск; 4-қайтаргич ролик

15- расм. Экиш аппарати узатиш механизмининг кинематик схемаси

Уруғларни экиш жараёнида экиш машинаси бирор-бир V_a тезлик билан ҳаракатланади. Ушбу V_a тезлик натижасида таянч ғилдирак айланма ҳаракатни амалга оширади. Технологик жараённинг бажарилишини инобатга олган ҳолда уячали дискнинг айланишлар сонини қуйидагича ифодалаймиз

$$n_u = \frac{60V_a}{lZ} = \frac{60V_a p}{lD\pi}, \quad (20)$$

бунда l – қатордаги уруғлар орасидаги масофа, м; z – уячали дискдаги уячалар сони.

Қайтаргич роликнинг айланишлар сонини технологик жараёндан келиб чиққан ҳолда қуйидаги шарт орқали аниқлаймиз

$$n_p \geq n_u. \quad (21)$$

Бу шартнинг киритилишига сабаб, қайтаргич ролик уячали диск уячасидан ташқарида бўлган уруғларни олиб қолишга улгуриши ва улар тирқишда қисилиб қолмаслиги лозим.

Экиш схемалари асосида қатордаги уруғлар орасидаги масофа $l=8$ см, экиш машинасининг ҳаракат тезлиги $V_a=(1-2)$ м/с оралиғида, таянч ғилдиракнинг радиусини $R_z=0,2$ м ва уячали дискдаги уячалар сони $z=(4-12)$ дона деб қабул қилиб олинди. Ҳисоблашларнинг натижаларига биноан таянч ғилдиракнинг айланишлар сони экиш машинасининг ҳаракат тезлигига мос равишда $n_l=(47,8-95,5)$ айл/мин оралиғида бўлар экан.


Диссертациянинг «Лаборатория шароитидаги тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш дастури, усули ва натижалари» деб номланган учинчи бобида тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш дастури, экиш аппаратини синаш стенди, тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш усули, Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили ҳамда экиш аппаратининг бир қаторли тажрибавий нусхасининг аниқланган мақбул қийматларини дала шароитидаги синовлари натижалари келтирилган.

Экиш аппаратининг параметрларини ўрганиш учун лаборатория шароитидаги тажрибавий тадқиқотлар Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтидаги махсус стендда ўтказилди.

Ушбу стенд экиш жараёнининг модели саналиб, яъни дала майдонида экиш аппарати кўзгалмас тупроқда ҳаракатланса, стендда эса экиш аппарати кўзгалмас бўлиб транспортёр кўринишидаги “тупроқ” кўзгалувчандир.


Тажрибавий тадқиқотларда экиш сифатини баҳолаш учун пиёз уруғининг экиш зонаси бўйича тенг тақсимланиши ва доналаб тушиши белгилаб олинди.

Экиш аппарати уячали дискининг геометрик ўлчамлари назарий тадқиқотларда тадқиқ этилган бўлиб, унга кўра уячали дискнинг диаметрини 32 мм ва қалинлигини 3,6 мм бўлиши тавсия этилган. Шу сабабли тажрибавий тадқиқотларда ҳам уячали дискнинг диаметрини 32 мм ва қалинлигини 3,6 мм уячалар сонини 6 та, 8 та, 10 та ва 12 та деб танлаб олинди (16-расм). Уруғ қайтаргич ролик диаметрини уячали дискнинг диаметрига тенг деб қабул қилинди (17-расм).



a – 6 та уячали; b – 8 та уячали, v – 10 та уячали, z – 12 та уячали

16-расм. Уячали дисклар кўриниши



17-расм. Уруғ қайтаргич роликнинг кўриниши

Тажрибада олинган натижаларни таҳлил қилиш ва параметрларини мақбуллаштиришда математик режалаштириш усулидан фойдаланилди.

Кўп омилли тажрибаларда асосий кирувчи омиллар сифатида уячали диск ва қайтаргич роликнинг айланишлар сони нисбати (X_1), уячали дискдаги уячалар сони (X_2) ҳамда экиш машинасининг ҳаракат тезлиги, м/с (X_3) қабул қилиб олинди.

Тадқиқотларда баҳолаш мезони сифатида экилган уруғлар орасидаги масофа ва уруғларни доналаб экиш аниқлиги қабул қилинди. Тажриба натижаларига ўрнатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламалар олинди:

экилган уруғлар орасидаги масофа, см

$$Y_1 = +9,560 + 2,074X_1 - 3,073X_2 + 2,395X_3 + 2,206X_1X_1 - 0,498X_1X_2 + 0,582X_1X_3 - 0,623X_2X_3 + 0,836X_3X_3; \quad (22)$$

уруғларни доналаб экиш аниқлиги, дона

$$Y_2 = +1,328 - 0,055X_1 - 0,220X_2 - 0,190X_3 + 0,025X_1X_1 + 0,050X_1X_2 + 0,036X_1X_3 + 0,112X_2X_2 - 0,014X_2X_3 + 0,100X_3X_3. \quad (23)$$

Тажрибавий тадқиқотлар натижасида олинган қийматлар назарий тадқиқотларда аниқланган қийматларга мос келади. Масалан, назарий тадқиқотларда экиш машинасининг тезлиги 1-1,4 м/с оралиғида, уячали дискнинг айланишлар сони 140 айл/мин ва уячали дискдаги уячалар сони 8 дона бўлганда экилган уруғлар орасидаги масофа 7,5-10,5 см оралиғида бўлиши аниқланган бўлса тажрибавий тадқиқотларда 8,0-10,0 см оралиғида бўлиши кузатилди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра шуни таъкидлаш мумкинки, пиёз уруғи қаторлаб $(40+10+10+10) \times 10/4$ см усулида экилса ёппасига сепишга нисбатан 40 фоиздан 45 фоизгача уруғни тежаш мумкин бўлар экан.

Диссертациянинг «**Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган механик экиш аппарати билан жиҳозланган экиш машинаси синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқилган уячали дискли механик экиш аппарати билан жиҳозланган экиш машинасининг тажриба нусхаси ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган уячали дискли механик экиш аппарати билан жиҳозланган экиш машинаси белгиланган технологик жараёни

ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари кўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, уячали дискли механик экиш аппарати билан жиҳозланган экиш машинаси қўлланилганда 1 гектар ерга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар 36,55 фоизга камаяди. Бунда битта машинага йиллик иқтисодий самара 22279058,76 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Механик экиш аппарати конструкциясини такомиллаштириш орқали пиёз уруғини экиш сифатини ошириш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сабзавот экинлари уруғларини экиш агрегатлари конструкциялари, механик экиш аппаратлари ва доналаб экишга таъсир этувчи омиллар бўйича ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш уячали дискли механик экиш аппаратини ишлаб чиқиш имконини берди.

2. Ишлаб чиқилган уячали дискли механик экиш аппарати пиёз уруғини доналаб экишда иш сифатини ошириш ва уруғ сарфини камайтириш имкониятини беради.

3. Пиёз уруғини доналаб экадиган уячали дискли механик экиш аппарати билан жиҳозланган машинанинг экиш аппарати уячали диск диаметри 32 мм, қалинлиги 3,6 мм, уяча атрофидаги уруғларни ҳаракатга келтириб турувчи диск қалинлиги 3 мм ва қайтаргич ролик диаметри 32 мм, қалинлиги 9,6 мм бўлиши лозимлиги асосланди.

4. Пиёз уруғининг диск уячаларига тушиши тасодифий ходиса деб қаралиб, назарий тадқиқотлар натижасида уруғларнинг оғирлик марказларини инобатга олган ҳолда қайси юзалар билан тушиш эҳтимоллиги аниқланди. Яъни, пиёз уруғининг катта юзали томони билан тушиш эҳтимоллиги 65 фоизни, ўртача юзали томони билан тушиш эҳтимоллиги 18 фоизни ва кичик юзали томони билан тушиш эҳтимоллиги эса 17 фоизни ташкил этиши асосланди.

5. Назарий тадқиқотлар натижасида пиёз уруғининг экиш аппаратида тупроққа тушишидаги ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар олинди ва уларнинг сонли ечимлари амалга оширилди. Унга кўра, уруғларнинг тупроқдаги уячада қолиши учун экиш аппаратини кўпи билан 17 см баландликда ўрнатилиши аниқланди ва пиёз уруғининг тушиш бурчаги 51° - 89° оралиғида бўлганда, қайтиш бурчаги тушиш бурчагидан катта бўлиши аниқланди.

6. Тажрибавий тадқиқотлар натижасида олинган қийматлар назарий тадқиқотларда аниқланган қийматлар билан таққосланди. Таққослаш натижаларига кўра, назарий тадқиқотларда экиш машинасининг тезлиги 1-1,4 м/с оралиғида, уячали дискнинг айланишлар сони 140 айл/мин ва уячали дискдаги уячалар сони 8 дона бўлганда экилган уруғлар орасидаги

масофа 7,5-10,5 см оралиғида бўлиши аниқланган бўлса, тажрибавий тадқиқотларда 8,0-10,0 см оралиғида бўлиши кузатилди.

7. Тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган пиёз уруғини доналаб экадиган уячали дискли экиш аппарати билан жиҳозланган экиш машинасини қўллаш - амалдаги экиш машиналарига нисбатан уруғ сарфини 40-45 фоизга ҳамда меҳнат сарфини 1,5 мартага камайтириш ва иш унумини ошириш имкони яратилди ҳамда 1 гектар ерга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар 36,55 фоизга камайиши ҳисобига битта машинага йиллик иқтисодий самара 22 279 058,76 сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.09.2019.Т.90.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ
ИНСТИТУТ**

МАХКАМОВ ГУЛОМЖОН УСМОНЖОНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ПОСЕВА СЕМЯН ЛУКА ЗА СЧЕТ
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОНСТРУКЦИИ МЕХАНИЧЕСКОГО
ВЫСЕВАЮЩЕГО АППАРАТА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

НАМАНГАН – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/T1994.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: nammqi_info@edu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Турдалиев Вохиджон Махсудович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Тожиев Расулжон Жумабоевич
доктор технических наук, профессор

Худояров Анваржон Назиржонович
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» ____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.09.2019.T.90.01 при Наманганском инженерно-строительском институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nammqi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер ____). Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nammqi_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» ____ 2021 года
(Протокол рассылки № ____ «__» ____ 2021 года)

Н.Г. Байбобоев

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Д.А.Абдувахобов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.ф.т.н (PhD), доцент

А.Х. Умурзаков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из ведущих мест имеет использование энерго-ресурсосберегающих технологий и технических средств для посева семян лука и выращивания. «Учитывая, что во всем мире выращивается 92,1 млн. тонн лука, а его объемы ежегодно растут на 2-3 процент»¹, необходимо внедрять высококачественных и ресурсосберегающих машин для посева семян лука. В связи с этим важным является следить за тем, чтобы расход семян при выращивании семян лука находился в пределах установленных норм, а при выращивании качественного лука важно использовать высокоточные высевальные аппараты.

Во всем мире ведутся исследования по разработке новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств, для штучного и без повреждения посева семян лука в соответствии с установленными нормами. В связи с этим, исходя из технологических особенностей семян лука, особое внимание уделяется оптимизации процессов посева, совершенствованию конструкции механических высевальных аппаратов, разработке энергосберегающей машины для снижения трудозатрат при агротехнических мероприятиях и обоснованию ее технологических возможностей, процессов и режимы работы.

В нашей республике предпринимается комплексные меры по снижению трудозатрат и энергозатрат при выращивании лука, экономии ресурсов, разработке ресурсосберегающих техники и технологий, снижающих расход семян на посев, и достигаются определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает основные задачи, в частности, «... оптимизация посевных площадей на 2017-2020 годы, рациональное использование водных и земельных ресурсов, внедрение современных интенсивных агротехнологий», «... увеличений ВВП к 2030 году более чем вдвое»². При выполнении этих задач, в том числе при создании технических и технологических модернизированных машин, которые помимо экономии энергии и ресурсов могут обеспечить штучного посева семена лука в установленных нормах является одной из актуальных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях №ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», №ПП-4410 от 31 июля 2019 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке

¹ <https://epauzb.uz/post/analiticheskiy-obzor-mirovoy-torgovli-na-rynke-luka?lang=ru>

² Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой», №ПП-4863 от 15 октября 2020 года «О мерах по увеличению производства и экспорта чеснока и овощной продукции методом туксонности» и других нормативно-правовых актов, связанных с данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследования по диссертации соответствуют с приоритетным направлением развития науки и техники Республики II. «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение».

